



"ТАСДИКЛАЙМАН"  
Хатирчи тумани  
Ободонлаштириш бошқармаси  
Бошлиғи Ж. Рахмонов  
"24.08.2022" 2022 йил

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Хатирчи -2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: **Хатирчи тумани Янгиробот МФЙ ички йўлларни таъмирлаш**

1.1. Танлов охириги киймати ( 56 633 908 ) сум . Ушбу кийматдан ортиқ киймат қабул қилинмайди ва куриб чиқилмайди.

1.2. Махсулот буйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган. **Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 календар кун.

1.4 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Хатирчи туман Ободонлаштириш бошқармаси** (бундан кейин-“Буюртмачн” деб аталади) - танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Навоий вилояти Хатирчи тумани Парахун МФЙ

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки курсатиб утилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар, танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлигидан кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари туғрисидаги маълумотлар; танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми (50 фозидан кам булмаган ҳолда); Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бнрига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон қурилишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим: • Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак; • Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар курсатилган булиши керак. Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар гулик булиши талаб этилади: Техник ва нархлар буйича қуйидаги таклифлар: • Техник таклиф. Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда; • Техник ҳужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш ҳужжатлар руйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси: -фақат битта таклиф бериши мумкин; - тақдим этилаётган

хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тулик жавобгар булади; - таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш. еки узгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6. ТОМОНЛАРНИИГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч қун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан қаида ун қунга узайтирилиши қерак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда қурсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утқазиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов утқазиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров қелиб тушган санадан эътиборан икки иш қуни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки қун олдин қелиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига дойр тушунтиришлар уларнинг мазмун- мохиятини узгартирмаслиги қерак.

7.3. Таклифларни қуриб қикиш ва бақолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қучирма у имзоланган қундан эътиборан уч иш қуни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни қуриб қикиш ва бақолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров қелиб тушган санадан эътиборан уч иш қуни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда қурсатилган шартлар асосида тузилади



## Хатирчи тумани Янгиробод МФЙ ички йўллари таъмирлаш

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Хатирчи тумани Янгиробод МФЙ ички йўллари таъмирлаш.
2	Буюртмачи	Хатирчи туман Ободонлаштириш бошқармаси
3	Объектнинг жойлашган манзили	Навоий вилояти Хатирчи тумани
4	Қатнашувчилар учун талаблар	<p>Белгиланган махсус техника ёки транспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили 2010-йилдан кам бўлмаслиги керак. Навоий вилоятида огир табиий шароитда (ёмғир, қор, туман, ва х.к) узлуксиз ишлашга таёр бўлиши керак. Корхона махсус техника ёки транспорт воситаси доимий иш билан таъминлашни кафолатини олмайди. Ишлаб чиқариш заруряти туфайли корхона балансида техникалар етишмай қолганда холларда 1 сутка олдин оғохлантирилган холда иш билан таъминланади. Махсус техника ёки транспорт воситасининг объектларга келиб кетиши харажатлари махсус техника ёки транспорт воситаси эгасининг ҳисобидан қoplanadi. Махсус техника ёки транспорт воситаси қатнашувчининг балансида бўлиши ва барча техник ҳужжатлари қонуний бўлиши керак.</p> <p>Махсус техника ёки транспорт воситасининг экспертиза ҳулосаси бўлиши шарт. Бошқа талаблар шартнома шартларида кўрсатилади. Махсус техника ёки транспорт воситалари рўйхати, (Самосваллар 20-30 тн), (Трайлер 10-50 тн), (Каток 8-13 тн), (Экскаватор ковш ҳажми 0.65 М3), (Асфальто укладчик 1.5-6.5 метр гача), (Автогрейдер) (Водовоз) (Бетумовоз) билан буюртмага асосан ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш.</p>
5	Механизмининг техник қарови	Махсус техника ёки транспорт воситаси доимий техник қаров ишлари, капитал таъмирлаш эгаси томонидан бажарилади, техник соз ҳолатда ишга жалб қилинади.
6	Ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлаш	Ёқилғи маҳсулотлари корхона томонидан амалга оширилган тақдирда бажарилган иш суммасидан қайтариб қолинади. Агар ёқилғи маҳсулотлари етарли бўлмаган тақдирда Махсус техника ёки транспорт воситаси эгасининг ўзида бўлиши керак.
7	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, транспорт воситасининг техник паспорти.
8	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Шартнома асосида бажарилган ишлар бўйича илова қилинган Форма-2 да кўрсатилган сумма бўйича тўлаб берилади.
9	Иш тури	Лойиха смета ҳужжатларида белгиланган вазифаларни бажариш.
10	Ишни бажариш муддати	2022 йил Октябрдан 2022 йил 30 Ноябрьгача.
11	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тула риоя қилиши шарт.